



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ички
интизоми кучли
инсон ҳеч
қачон
баҳона, ваз
ахтармайди

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 15-iyun, seshanba, 69 (23.505)-son



«**Ёшлар фестивали – 2021**»

«ВАТАНГА ХИЗМАТ УЧУН БИРЛАШАМИЗ!»

Ёшлар ойлиги доирасида вилоятимизда "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шiori остида фестиваль ўтказилди. Уч кун давом этган тадбирларга 1 миллиондан зиёд ёшлар қамраб олинди. Турли мавзуларда 107 та тадбир ташкил этилди. Фестивалнинг иккинчи кунини "Ўзбекистон ёшлари: кеча, бугун, эртага" мавзусида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ўтказилди. Унда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ёшларнинг инновацион лойиҳалари, ғоялари, фикрлари билан ўртоқлашди.

ГИД-РОБОТ ВИЛОЯТ ҲОКИМИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Учрашувда "IT-парк"да фаолият юритадиган "SWAT" ёш иxtирочилар жамоаси ўзлари ясаган бир қанча робототехника қурилмаларини намойиш этди. Шулардан бири "гид-робот"дир. Жамоа аъзоси – "Ипак йўли" халқаро туризм университети талабаси Шахло Ҳамроева тақлифи билан робот даврага келтирилди ва у ҳокимга муурожаат қилди:

– Ассалому алайкум, Эркинжон Оқбўтаевич! Мен, гид-робот "SWAT" жамоаси томонидан яратилган иxtироман. Ҳозирча ўзбек тилида гапира оламан. Агар жамоанинг лойиҳаси қўллаб-қувватланса, сунъий интеллект ёрдамида турли тилларда сўзлаб, сайёҳларга беминнат хизмат кўрсатаман...

Ҳокимнинг "муурожаати"ни бээътибор қолдирмаслигини билдирди. Шунингдек, учрашувда Каттакўрғон шаҳрида яшовчи, Хитойнинг Нанжинг фан ва технологиялар университети талабаси Достон Ашонов тақлиф билан чиқди:

– Ўтган галги учрашувда "Алкотестор" қурилмасини яратганим ҳақида гапирганим, – дейди ёш иxtирочи. – Бугунги тадбирга кўзи оғизлар учун яратилган "акли" ҳасса билан келдим. Самарқандлик ёшлар робототехника соҳаси бўйича республика ёшлари орасида илғор. Фақат бизга робототехника лабораторияси керак бўлапти.

– СамДУ ва ТАТУ Самарқанд филиали ҳамкорлигида ушбу лабораторияни ташкил этишимиз, – деди ҳоким. – Хабарим бор, иxtирочи ёшларимиз кўпгина эҳтиёт қисмларни Тошкентдан олиб келади. Лаборатория ёнида робототехника эҳтиёт қисмлари дўконини ҳам очамиз.

Учрашувдан сўнг вилоят ҳокими 3 нафар "Start-up" лойиҳаси ғолибини махсус сертификат, ёшлар етакчиларидан 2 нафарини фахрий ёрлик билан тақдирлади. Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшлардан 20 нафари вилоят ҳокими стипендиясига сазовор бўлди. Уларга 6 ой давомида 1 миллион сўмдан стипендия олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди.

ИККИ ЁШЛИ НИЛУФАР БАХШИЧИЛИКДА ЎЗИНИ СИНАДИ

Фестиваль доирасида Қўшрабоб тумани Қўрғон қишлоғидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли музей-мажмуасида бахшилар кўрик-танлови ўтказилди.

Унда 50 нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Улар орасида қўшрабоблик 2 ёшли Нилуфар Тоғаймуродова ҳам ўз маҳоратини синаб кўрди. У бобосидан ўрганган "Ўзбекистон ёшлари" номли термадан парчани бахшиёна қуйлашга ҳаракат қилиб, тадбирга кўтаришчилик бағишлади.

Танловда вилоятимиз бахшиларидан ташқари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан келган ёшлар ҳам қатнашди.

Танлов якунига кўра, 1-ўрин қўшрабоблик Бобобек Раҳматовга насиб этди. 2-ўринни Паст Дарғом

туманидан Жавлонбек Шарибоев ҳамда булунғурлик Фирдавс Суёнбоев, 3-ўринни булунғурлик Заҳриддин Суёнбоев ва нурободлик Мухаммадjon Шавкатов қўлга киритди.

ЁШ БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ

"Ёшлар фестивали-2021" доирасида умумтаълим фанларидан "Вилоят ҳокими фан олимпиадаси" ўтказилди. Унда туман ва шаҳар мактабларидан саралаб олинган 10-11 синф ўқувчилари 14 та фан бўйича билимини синовдан ўтказди.

Олимпиада умумтаълим фанлари бўйича Самарқанд шаҳридаги ўрта олий ўқув юртида бир вақтда бўлиб ўтди. 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган 84 нафар иштирокчи диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтида "Мунозара-дебат", футбол мусобақаси, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида "Ёш фермер ва тадбиркорлар" кўрик-танлови, шахмат-шашка мусобақаси, ТАТУ Самарқанд филиалида "IT" лойиҳалар танлови ҳамда волейбол мусобақаси уюштирилди.

ЖАМОАЛАР "ЗАКОВАТ"ДА БЕЛЛАШДИ

Самарқанд шаҳридаги "Bog'ishamol garden" базмигоҳида ташкил этилган интеллектуал ўйинда ҳар бир шаҳар ва туман ёшларидан иборат жамоалар қатнашди. Уларга ҳокимлар сардорлик қилди.

Мурасасиз кечган баҳсларда нарпайлик ёшлар ғолиб деб топилган бўлса, Самарқанд шаҳри жамоаси иккинчи, Каттакўрғон тумани ёшлари учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар совғалар билан тақдирланди.

КУЧЛИЛАР ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ

Регистон майдони олдидан старт олган югуриш марафонидан 300 нафар ёш 10 километр масофани босиб ўтиш бўйича беллашди. СамДУ талабаси Отабек Тошқувватов ҳамда Севара Чориева маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Тадбирлар доирасида ўтказилган веломарафонда иштирок этган ёшлар ҳам 10 километр масофани босиб ўтди. Бу мусобақада уругуллик Сардор Мухторов ҳамда пайариклик Мухлиса Санаккулова биринчи ўринда марра чизганини кесиб ўтди. Уларга велосипед совға қилинди.

Самарқанд шаҳрида 13-14 ёшлилар ўртасида футбол бўйича вилоят биринчилигининг асосий ўйинлари "Нурафшон" ҳамда "Сартепа" стадионларида бўлиб ўтди. Финал баҳси "Динамо" марказий футбол ўйинида ўтказилди. Унда иштирокчи ёшлар пахтачиликлар устидан ғалабага эришди. Учтинчи ўрин Самарқанд шаҳри ёшларига насиб этди.

Фестивалда жисмоний имконияти чекланган йигит-қизлар ҳам эътибордан четда қолмади. Са-

марқанд туманидаги Кониғил туризм қишлоғида ноғиронлиги бўлган ёшлар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича ташкил этилган мусобақада вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 40 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Оқдарё туманидаги марказий истироҳат боғида спортнинг "ММА" аралаш жанг санъати тури бўйича очик турнир ўтказилди. Унда вилоятимиз спортчиларидан ташқари Андижон, Бухоро, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган ёш спортчилар ўртасида 16 та жанг бўлиб ўтди. Беллашувда юқори ўринларни 6 нафар самарқандлик спортчи эгаллади.

"АМИР ТЕМУР ЎЙИНЛАРИ" ПОЛВОНЛАР МУСОБАҚАСИГА АЙЛАНДИ

Марказий ҳарбий оқик хизматчилари, ИИБ ходимлари, спортчилар, вилоятдаги олий ўқув юртли талабалари спортнинг тош кўтариш, миллий кураш, армеслинг, арқон тортиш турлари бўйича беллашди.

Тош кўтариш бўйича ҳарбий хизматчи Шукур Йўлдошевга тенг келадиган топилмади. У 24 килограмлик тошни 70 марта кўтариб, мусобақада биринчиликни қўлга киритди.

Тадбир доирасида 2004-2005 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида "Вилоят прокурори кубоги" учун миллий кураш мусобақаси ҳам ўтказилди.

МУЗЕЙ БИЛИМДОНЛАРИГА ОЙЛИК, ЙИЛЛИК ЧИПТАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида "Музей ёшлар нигоҳида" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 150 нафардан зиёд йигит-қизлар иштирок этди.

Яқунга кўра, фаол иштирок этган билимли ва зукко ёшларга музей-қўриқхона томонидан эсдалик совғалари, ғолибларга уч ойдан бир йилгача бўлган муддатда тарихий обидалар ва музейларга бепул кириш имкониятини берувчи чипталар топширилди.

ГАЛАКОНЦЕРТДА 30 МИНГГА ЯҚИН ЁШЛАР ҚАТНАШДИ

Ёшлар фестивалининг якуний галаконцерти янгилаётган халқаро аэропорт ёнидаги майдонда ўтказилди.

Тадбир вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ва Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаевларнинг кириш сўзи билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат маҳфияси янгради. Ёшларни қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатган раҳбарлар ҳамда фаол йигит-қизлар тақдирланди.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармасига самарқандлик ёшларнинг инновацион ғоялари ва "Start-up" лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг 1 миллиард сўмлик сертификати топширилди.

Тантанали тадбир иштирокчиларига республикамизнинг таниқли санъаткорлари, сўз усталари, ёш истеъдод эгалари ўз чиқишлари билан байрамона завқ улашди.

30 мингга яқин ёшлар иштирок этган якуний тадбирда ушбу сўзлар баралла янгради: «Самарқандни, Ўзбекистонни севамиз, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш учун бирлашамиз!».

«Зарафшон» мухбирлари.

АНОР ПЛАНТАЦИЯСИ, хўжаликдаги янги тармоқлар, сув тежашнинг самараси

Агроинспекция вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан танишиш мақсадида Тойлоқ туманида пресс-тур ташкил этилди.

Журналист ва блогерлар туманидаги "Худойбердиев Озод Шодиевич" фермер хўжалиги томонидан 2017 йилда ташкил этилган 4 гектар майдондаги анор плантацияси билан танишди. Фермер Ориф Худойбердиев Сурхондарё, Қашқадарё вилоятининг серхосил ва иқлимга мос келадиган навларини келтириб, синов тариқасида парваришлаб кўрди. Натижа ёмон бўлмади, ҳаттоки қутилган ҳам ортиқ самарадорликка эришилмоқда. Ернинг юмшоқлиги туфайли янги анор кўчатларидан ўтган йилнинг ўзида 7-8 тонна мева олинган. Кўчатлар тўлиқ ҳосилга кирганда эса гектаридан 70-80 тоннагача ҳосил олинади. Мевалар ҳозирда ички бозорга сотилаётган бўлса, хорижда ҳам анорга талаб ўсиб бормоқда. Хўжаликда тажриба тариқасида 25 сотих майдонда малина етиштириш ҳам синовдан ўтказилмоқда.

Тумандаги "Сибё Шавкат Орзу" кўп тармоқли фермер хўжалигида 100 гектар майдондаги интенсив боғда тўлиқ томчилик сўғориш

хўжаликларидан 4100 бош насли қорамол, 1,5 миллион бош парранда боқилмоқда. Картошқачилик кластери ташкил этилиб, маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлаш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Тумандаги "Акмал Тошпўлатович" кўп тармоқли фермер хўжалигида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2016 йилда 5 гектар ерда 4 нафар ишчи билан фаолият бошланган хўжаликда бугун маҳсулот етиштириш билан бирга, қайта ишлаш тармоқлари ҳам ривожланиётган.

– Ҳозирда хўжалигимиз тасарруфидидаги ерлар 90 гектарга ва доимий ишчиларимиз сони 80 нафарга, мавсумий ишчиларимиз сони 250 нафарга етди, – дейди хўжалик иш бошқарувчиси Ражаббой Ҳайитов. – Хўжалигимиз асосан чорвачиликка ихтисослашган ва ҳозирда Украина, Голландия ва бошқа давлатлардан келтирилган 310 бош насли қорамол боқилмоқда. Бундан ташқари, деҳқончилик, балиқчилик, боғ-

дорчилик, иссиқхона, зираворчилик, картошқачилик тармоқлари ҳам ривожлантирилиб, картошқачилик кластери ташкил этилди. Голландиядан картошканинг "Аризона", "Эволюцион" навларини



технологияси жорий этилган. Бу сув сарфини камайтириш билан бирга ҳосилдорлигининг ҳам сезиларли ортишига имкон беради.

– Туманимизда 12 минг 61 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони бор ва унинг 2626 гектари ток, 881 гектари боғ ва бошқа экинлар, – дейди туман ҳокими ўринбосари Норпўлат Мирзаев. – Сувга бўлган эҳтиёжи бир сонияда 5 минг куб метрни ташкил этади. Шу боис тежовчи технологиялар жорий қилиниб, сув 3-4 баробаргача иқтисод қилинапти ва ҳосилдорлик салмоғи ортапти. Йил бошидан буён 240 гектар майдонда бундай ускуна ўрнатилган бўлса, йил якунигача яна 520 гектар майдон тежамли далага айланган.

Жорий йилда туманимизда мева-сабзавот, картошка, узумдан 140 минг тонна ҳосил етиштириш кутилмоқда. Шундан 25 минг тоннадан ортинги экспорт қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, 25 та чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликка ихтисослашган хўжалик фаолият юритмоқда. Биргина чорвачилик

келтирдик ва улардан 40-42 тоннагача ҳосил олинмоқда. Иجتимоий кўмакка муҳтож оилаларга уругуллик тарқалмоқда. Яна 1,5 минг тонналик музлаткичи омборхона қурдик.

Шу пайтгача хўжалигимизда тайёрланган сутни бошқа қайта ишловчи корхоналарга топширган бўлсак, жорий йилдан замонавий ускуналарни келтириб қунига 800-1000 литргача сутни ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйдик. Ички бозорда гўштининг нархи ошиб кетгач, Украинадан шартнома асосида арзон гўшт келтириб, туманимиздаги бозорда ярмарка дўконимизни ташкил этиб, гўштининг килограммини 42-45 мингдан сотяпмиз. Хориждан насли чорва молларини келтириб, таъминотчи сифатида аҳолига шартнома асосида тарқатяпмиз. Ҳозиргача 250 бошдан ортиқ насли чорва моллари етказиб берилди.

Бу албатта, аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш, сўт ва гўшт маҳсулотларининг мўл бўлишига хизмат қилади.

Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...



Кўпчилигимиз ижтимоий тармоқларда яширин имзо остида бир-биримизни бадном қилиш ва бундан пинҳона хузур-халоват топишни ўзимизга эп билиб ўтирибмиз. Қолганлар эса масаланинг моҳиятини тўлиқ англамай, нима ишлар бўлаётганини чуқур тушунмай, қора костюм-шимда, бўйнига машҳур брендли бўйинбоғни боғлаб, телевизорда ва турли минбарларда чучмал маърузалар ўқиш билан банд.

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос.

«Дўстлик» обод маҳаллага айланади

Дўстлик – Самарқанд шаҳридаги энг йирик маҳаллалардан. 3-секторга қарашли мазкур маҳаллада 49 та кўча бўлиб, уларда жойлашган 1267 та хонадонда 4648 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилоти, 27 та ошхона, дорихона, савдо кўрсатувчи ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар фаолият кўрсатиб келмоқда.


нафар ишсиз ёшлар ҳам Самарқанд шаҳридаги қурилиш материаллари тайёрлайдиган цехга ишга юборилди. Маҳаллада уй-жой сотиб олиб, унда яшамайдиган юздан зиёд фуқаролар бор. Жумладан, А.Абдувалиев Мовароуннахр кўчаси 16-боши берк кўча, 1-уйни сотиб олган. Бироқ ўзи хорихда яшайди. Эски уйини бузиб ташлаб қайта қурмаган. Атрофини девор билан ўраб қўйибди. Бир неча йиллардан буён уйдан хабар ҳам олмайди. 4 - боши берк кўчада яшовчи А.Бешимов ҳам ҳовли



си қурилиш бўлими иш бошқарувчиси Анвар Норқулов. – Бригадамиз билан 11 та таянч устун ва 40 та ёриткич ўрнатдик. 2 километр масофага СИП-50, хонадонлар учун 800 метр СИП-16 ёпиқ кабеллар тортилди. Яна 1 дона 250 қувватли нимстанция ўрнатиб, иккинчисини таъмирлашни режалаштирмамиз. Мовароуннахр кўчаси 17-боши берк кўчада ишлаётган ишчилар билан танишдик. Мазкур объектада "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари

маслаҳатлашган ҳолда ишлаяпмиз. Чунки баъзи ҳолларда, лойиҳа тайёрланаётганда эътиборсизлик туфайли айрим ўлчовлар нотўғри ҳисобланиб қолиши мумкин. Натижада тармоқни бузиб, қувурларни қайта ётқиришга тўғри келади. Бу эса ортиқча харажат ва вақтни талаб қилади. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида маҳалла аҳли ва ҳомийлар ҳам четда тургани йўқ. Хусусий тадбиркор Х.Жалилов 17-кўчани тунги ёриткичлар билан таъминлашни ўз зиммасига олган бўлса, К.Мўминов маҳалладаги «Дўстлик» қабристонини учун айвон ва қўшимча бинолар қурилишига 20 миллион сўм маблағ ажратди. Қабристоннинг 450 метр деворини таъмирлаётган шаҳар ободонлаштириш бўлими ишчиларига маҳалланинг ўнлаб ёшлари яқиндан кўмак беришмоқда. «Обод маҳалла» дастури асосида 120 та хонадонни таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача қарийб 70 та уй-жой жор

Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб вилоят ҳокимлиги дастури асосида маҳалламизда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди маҳалла раиси Икром Ғуломов. – Шу кунгача барча 49 та кўчанинг ҳар икки ёнида 5 километрдан ортиқ ариқ қазилиб, бетонлаштирилди. Кўчаларнинг 3 километр қисмига бетон лотоклар ётқизилди. Бетон қудуқлар ва лотокларни маҳалламизда яшовчи хусусий тадбиркор И.Мусаевага қарашли корхонадан арзон нархларда оляпмиз.



лиш-таъмирлаш ташкилотлари вакиллари, ҳомийлар иштирокида бажарилган ишлар ва эртаси куннинг режаларини муҳокама қиламиз. Ҳар бир кўчада автомобиллар ҳаракатланувчи қисмидан ташқари бетон ариқ, гулхона ва пиёдалар йўлаги қурилади. Ҳозиргача маҳаллага дастур бўйича режадаги 3,5 километр ўрнига 9,6 километр табиий газ тармоқлари тортилиб, 4 та ўрнига 9 та газ тақсимлаш пункти ўрнатилди. Интернетдан фойдаланувчилар учун 500 метр оптик тола тармоқлари тортилиб, 3 та базавий станция ўрнатилди. Шаҳар электр тармоқлари корхонаси ишчилари томонидан олти километр электр энергияси тармоқларининг 4 километрга яқини алмаштирилиб, 36 та симёғочларнинг 22 таси таянч устунлари янгиланди. Эски симёғочларни алмаштириш билан бирга тунги ёриткичларни ҳам ўрнатиб кетяпмиз,– дейди шаҳар электр тармоқлари корхона-



таъмирдан чиқарилди. Маҳаллада деҳқон бозори ва 1 та гузар маркази ҳам қурилиб фойдаланишга топширилади. Кўзда тутилган 10 километр йўлнинг 1 километрини асфальт қилинди, минг метр пиёдалар йўлакларни қурилади. Жорий йил якунигача 32-умумтаълим мактаби тўлиқ таъмирланиб, янги болалар богчаси ҳам қуриб битказилади.

Айни пайтда хонадонлар қайта хатловдан ўтказилмоқда. Шу пайтгача «Темир дафтар»га кирган 8 та кам таъминланган оилага шаҳар ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га кирган ишсиз фуқароларга муносиб иш топишда кўмаклашиляпти. Беш ой мобайнида 77 нафар ишсиз иш билан таъминланди. «Ёшлар дафтари»даги сўнги икки

қуриб қўйиб, қаровсиз ташлаб қўйган. На қурилишни тугатади, на таъмирлайди, ташландиқ ҳовлига ўхшаб қолган. Айримлари ҳатто ўзбошимчилик билан йўлларни ҳам эгаллаб олишганига нима дейсиз? Тош, кум каби қурилиш ашёлари йўлнинг четига тўкиб қўйилган. – Маҳалланинг бирорта ҳам кўчаси, бирорта хонадонни янгиланиш ва ўзгартирилдан четда қолмайди, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими етакчи мутахассиси Баҳодир Эргашев. – Маҳалла марказида штаб ташкил этилган бўлиб, ҳар куни кечқурун қури-

риб қўйиб, қаровсиз ташлаб қўйган. На қурилишни тугатади, на таъмирлайди, ташландиқ ҳовлига ўхшаб қолган. Айримлари ҳатто ўзбошимчилик билан йўлларни ҳам эгаллаб олишганига нима дейсиз? Тош, кум каби қурилиш ашёлари йўлнинг четига тўкиб қўйилган. – Маҳалланинг бирорта ҳам кўчаси, бирорта хонадонни янгиланиш ва ўзгартирилдан четда қолмайди, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими етакчи мутахассиси Баҳодир Эргашев. – Маҳалла марказида штаб ташкил этилган бўлиб, ҳар куни кечқурун қури-

қурилиш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК буюртмасига асосан оқова сув тизими ўрнатиш учун жой ҳозирланмоқда. – Кўчанинг 300 метрлик қисмига сув оқова тармоқлари қувурларини ётқириш қилинди, – дейди «ПМК-7» МЧЖ иш бошқарувчиси Эркин Ҳайитов. – Ҳозирда ернинг паст-баландлигини, юқори аниқлик билан ҳисобга олиб, махсус техникалар ёрдамида казишни бошлаб юбордик. Бетон қудуқ ва қувурларни тайёрлаб қўйдик. Аҳоли вакиллари билан

«Дилмурод ТЎХТАЕВ. Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).»

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги қарорига мувофиқ «Раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва уларга давлат тилини билиш бўйича даража сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори тасдиқланган.

Энди раҳбарларга ўзбек тилини билиш талаби қўйилади

Қарор билан 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимини баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш тизими жорий этилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, алоҳида dt.dtm.uz онлайн платформаси ишлаб чиқилди. Тест топшириқлари давлат тилида иш юритиш ўқув дастурига кўра, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида шакллантирилмоқда. Топшириқларда талабгорнинг публицистик, илмий-оммабоп ва расмий матнни ўқиб тушуниш ҳамда имло қоидаларини тўғри қўллаш бўйича қўшимчалари баҳоланади. Айтиш кераки, раҳбар кадрларнинг ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилида расмий иш юрита олиш даражасини аниқлаш тизими одатдагиларидан фарқ қилади. Бунда саволлар "ёпиқ" ва "очик" турларга бўлинган. Ёпиқ тест – талабгорга бир нечта жавоб вариантлари билан бериладиган топшириқлардир. Талабгорга тест синовида ўқиб тушуниш, ёзма адабий меъёрлар, яъни имло қоидалари, сўз ва қўшимчаларни қўллашга оид ҳамда тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари юзасидан ёпиқ тестлар берилди. Бунда талабгордан тўғри жавобга эга мўқобил жавобли топшириқларни ишлаши талаб этилади. Очққ тестда эса мўқобил жавоб вари-

антлари берилмайди, яъни талабгор томонидан жавоблар варақаси қисқа ёки кенгайтирилган шаклда ёзиб тўлдирилади. Шунингдек, имтиҳон топширувчи расмий ҳужжатни шакллантира олиши, бугунги кундаги доллар ва раҳбарлик фаолиятига оид мавзуларда эссе ёза олиши керак. Бошқача айтганда, давлат тилида фикр баён қилиш кўникмалари ҳам синовдан ўтказилади. Синов вариантлари 14 та вазирлик ва идораларнинг масъул лавозимларда фаолият юритувчи раҳбар ходимлари иштирокида апробациядан ўтказилди. 2021 йил 5 май куни республикамизнинг барча ҳудудларида рўйхатдан ўтган талабгорлар тест синовларини топширди. Тест синовлари бепул ташкил этилади. Лекин тест синовидан ўта олмаган ва синовларда қайта иштирок этадиган талабгорлар рўйхатдан ўттиш вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдоридан тўловни амалга ошириши лозим. Натижалар тест синови якунлангандан сўнг (ёпиқ тестлар 3 кун, очққ тестлар 15 кун ичидан) эълон қилинади ва энг юқори балнинг камида 70 фоизини тўплаган шахсларга сертификат берилди. Сертификатнинг амал қилиш муддати 5 йил бўлиб, мазкур давр давомида номзод қайта имтиҳон топшириши талаб этилмайди. Яъни, бошқа лавозимга ўтганда ҳам фаолиятини давом эттира олади. Самариддин СУЮНОВ, ДТМ вилоят бўлими етакчи мутахассиси.

«Масъулларнинг масъулиятсизлигидан...»

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ дардини тинглаш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш раҳбарларнинг кундалик вазифасига айланди, десак муболаға бўлмайди. Қайси соҳада бўлмасин фуқаролар ўзларини қийнаб келаётган масалалар юзасидан мурожаат этишлари учун имкониётлар яратилиши, «Ишонч телефонлари», ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларни мисол келтириш мумкин. Бугунги кунда «юқори»га мурожаат қилаётганларнинг барча муаммоларига ечим топиляпти, деб бўлмайди. Қўйи тизимдаги раҳбарларнинг эътиборсизлиги, масалани ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш оддий одамларнинг норози кайфиятига сабаб бўлмоқда. Масалан, қишлоқда яшовчи фуқаро ўзини қийнаётган масала бўйича тумандаги ташкилот мутахассисларига мурожаат қилади. Муаммосига вақтида ечим топилмагач, шу ташкилотнинг вилоят бошқармасига хат йўллайди. Мурожаат ўрганиш учун бошқарма бошлиғи имзоси билан тумандаги ташкилот раҳбарига юборилади. Ташкилот

масъулари эса мурожаатчидан ҳол сўраган киши бўлиб, икки энлик тушунтириш хати ёздириб олади. Бошқармага ёзгандан кейин ҳам натижа бўлмагач, фуқаро вазирликка мурожаат қилишга мажбур бўлади. Вазирлик хатни ўрганиш учун бошқарма масъулларига, улар эса туман ташкилотига юборади. Ташкилот вакиллари эса... Бундай ҳолатлар ҳақида кўп эшитганмиз. «Фалон ташкилот вакили келиб, яна тушунтириш хати ёздириб кетди. «Қаерга мурожаат қилма, барибир ишинг мен билан битади. Шунинг учун у ёқ-бу ёққа югуравермай сабр қилишни ўрган», деб даки ҳам беришди. «Сабр қилиш яхши, биз кутиб турамыз, аммо вақт кутиб турмайди-ку», деган гаплар ҳам қулоғимизга чалинади баъзан. Қандайдир бир дард қийнайдики, киши умид билан «катта»ларга мурожаат қилади. Тўғри, гуруч курмасиз бўлмайди. Аҳоли орасида боқимандалик кайфиятига тушиб қолган, ноўрин мурожаат қилаётган одамлар ҳам топилди. Баъзи сайёр қабулларда ўзининг ҳам, турмуш ўртоғининг ҳам етти мучаси соғлом, аммо ҳуқуқий саводхонлиги паст бўлгани учун бепул уй-жой ёки арзимас моддий ёрдам сўраб келувчи аёлларни учратиш мумкин. Уларга ногирон бўла туриб, меҳнат қилиб пул топаётган, биронинг қўлига қараб қолишни ор биладиган инсонлар ўрناق қилиб кўрсатилади. Аммо шундан ҳам тўғри хулоса

«Муллоҳаза учун мавзу» чиқарадиганлар озчиликни ташкил қилади. Баъзи мурожаатчилар эса шахсий манфаати учун эмас, қишлоқдошларини қийнаётган масалалар ва уларнинг ечимини топиш бўйича таклифлар билан чиқишади. Масъуллар эса уларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик билан ёндашади. Натижада, ечими учун кўп маблағ ва вақт талаб қилмайдиган муаммолар ҳам ҳал этилмай қолаверади. Яна бир гап. Иштихон тумани Чимкўрғон қишлоғида яшовчи бир танишим шу қишлоқдан оқиб ўтувчи сойда сел оқибатида катта жарлик ҳосил бўлгани, қишлоқни маҳалла маркази билан боғлайдиган йўл шу жар ёқасидалиги, бу эса инсонлар ҳаёти учун хавфли эканлиги, муаммо тез орада бартараф этилмаса, яна бир сел келиши оқибатида шу йўл ҳам бузилиши мумкинлигини ёзиб, мурожаат қилмаган жойи қолмабди. Масъуллар эса «бажарамиз, дастурга туширамиз», деган гапдан нарига ўтмас экан. Қайси дастур, у қачон тузилади? Бу саволга эса жавоб йўқ! Инкор этиб бўлмайди, айрим виждонли раҳбарларнинг сабёр-харакати билан аҳолининг кўпгина муаммоларига ечим топилмоқда. Аммо баъзи масъулларнинг масъулиятсизлигидан халқнинг дардига малҳам топиляпти.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

«Акс-садо»

Жаҳлинг чиқса, бурнингни тишла...

Одамлар сиздан меҳр олсин «Зарафшон» газетасининг жорий йил 63-сонидан берилган «Жаҳлни тийиш мумкин(ми)?» сарлавҳали мақолада ҳар бир кишида жаҳл борлиги, аммо уни тийишда суқут сақлашнинг фойдаси ҳақида муаллиф ўринли мулоҳаза билдирган. Чиндан ҳам лозим пайтда киши ўзини тўхтата билмаслиги ёмон оқибатларга сабаб бўлади. Айниқса, аёл кишининг жаҳлга берилиши фарзандлар тарбиясига салбий таъсир қилади... «Низомнинг хотини агар истаса, лаҳзада жиғибийрони чиқиб, шангиллайди, истаса ўзини мотамсаро холга солиб, ғам-андуҳга ботиб, йиғлаб юбораверади. Эҳтимол, унинг қонида артистик бордир. Бир қарасанг фаришта, бир қарасанг жодугар, сониялар ичида ўзгаради. – Ўвв, онаси, ҳозиргина невараларингни ўйнатиб, қулиб ўтирганидинг-ку, яна нима мотам? Хўш, гапир, нима бўлди, ким хафа қилди? Нега қишлоқ-тумшугингни чакка тўрвадай осилтирасан? – Айтмайман! – Айт, дилингдагини, билайлик, ахир? – Э, боринг-е! – Қулиб қолган олдидан ҳам шу қилингини қиялсан. Эртага уларнинг ҳам аҳволи шу. Турмушга чиқса, ким кўтарайди бу тумшайшини, эрими,

Туманимизда бугунги кунда 26987 нафар пенсия ва нафақа олувчилар мавжуд. Жумладан, ёшга доир пенсия олувчилар 20131 нафар, ногиронлик пенсияси олувчилар 2626 нафар, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар 1491 нафар, ижтимоий нафақа олувчилар 2739 нафарни ташкил қилади.

Пенсионерга қулайлик

Шунингдек, 12351 нафар 2 ёшгача, 14 ёшгача нафақа ва моддий ёрдам олувчилар бор. Пенсияонерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш мақсадида зарур чоралар кўрилмоқда. Ана шу ишлар туфайли пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқароларга янада қулай шaroитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб: – пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланмоқда. Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинди. Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даро-



мадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилди. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган домий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади. Эндиликда пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиб жараёнда ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади. Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармаси бўлимига қилиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинди. Собир ЭҒАМҚУЛОВ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Пайриқ тумани бўлими бошлиғи.

Вилоят қон қуйиш марказида 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни муносабати билан «Қон бер – дунёга ҳаёт бахшида эт!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

ФАОЛ ДОНОРЛАР рағбатлантирилди

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қизил ярим ой халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими вакиллари иштирок этган тадбирда беғараз донорликнинг аҳамияти, мазкур ҳаракат тўғрисида маълумот берилди.

Дунёнинг 70 та давлатида қон захираси кўпайиб бораётгани ҳақиқат бўлиб, дейди вилоят қон қуйиш маркази директори Рофе Алиев. Кейинги йилларда вилоятимизда ҳам донорлар сафи ошиб бормоқда. Уч йил илгари йилга 13 мингга қон захираси тўпланган бўлса, бугунга кунга келиб уларнинг сони 27 мингга етди. Донор қон топираш экан, кимнингдир



ҳаётини сақлабгина қолмай, ўз соғлигини сақлашга ҳам эришади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан қон таркибий қисмлари ва препаратларига бўлган эҳтиёжни қоплаш учун ҳар 1000 аҳолига нисбатан 40-60 тадан қон топириш керак бўлади. Юртимизда

эса қон топиришлар сони 4,8 тани ташкил этмоқда. Бу ҳали етарли эмас.

Тадбирда вилоятимизда истиқомат қилаётган бағрикенг ва саҳий доноларнинг 4 нафарига «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони, энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорда бир йўла тўланадиган пул мукофоти топширилди.

Ҳар қуни юзлаб инсонлар донорлар қонига эҳтиёж сезади, дейди «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» Собир Орипов. – Донорлик – одамларга яхшилик қилишнинг энг оддий кўриниши бўлиб, ушбу беғараз, кўнгилли ёрдам қонга эҳтиёжи бор инсонлар учун ҳақиқий кўмақдир. Ўзим ҳам шу пайтгача беғараз донор сифатида 46 марта қон топиришман. Мен бу ишимдан, беморларга ҳаёт бахш этаётганимдан фахрланаман.


Донорлик ҳаракатида фаоллик кўрсатиб келётган бошқа фуқаролар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Д.ЎТАМУРОДОВ.

Ишлаётган талаба учун имтиёз бериладими?

? – Институтнинг сиртки бўлимида ўқийман. Қонунчилигимизда талабаларнинг ишлаши учун қандай шартлар белгиланган, уларга имтиёзлар бериладими?
Б.ҚОДИРОВА.

– Ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқийётган ходимларга ишнинг таълим билан бирга қўшиб олиб беришлари учун иш бериш шарт.



Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таълимга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шартини ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга.

Кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртига кириш учун камидан ўн беш календарь кун, муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртилари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бўлиб қирамайди.

Саволларга Пайриқў тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси Ориф ХОЛБОВЕВ жавоб берди.

Кунларнинг исиб кетиши фуқароларнинг белгиланмаган сув ҳавзаларида, ариқларда, каналларда чўмилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса айрим кўнгилсиз ҳодисаларни, чўкиб кетиш ҳолатларини юзага келтирмоқда.



Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳар факултетида вазиётлар бўлими ходимлари томонидан барча сув ҳавзаларида белгиланмаган жойларда чўмилишни тақиқловчи плакатлар, баннерлар ҳамда эслатмалар ўрнатилди. Фуқароларга қўшимча йўриқномалар тарқатилмоқда.

Ёз мавсумини мароқли ўтказишда ўзимиз ва оила аъзоларимиз ҳаётига бефарқ бўлмайлик!

Т.АШУРОВ,
Самарқанд шаҳар ФВБ инспектори, лейтенант.

Эл корига яраган устоз

Шавкатбой Пўлатов табиатан дилкаш, ташаббускор, тик сўзли, ҳалол инсон. Кези келганда ёшларга жўяли маслаҳатлари билан тўғри йўл кўрсата олади. Чунки қатор йиллар мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия берган.


У 1961 йил 28 июнда Паст Дарғом туманидаги Бухорий қишлоғида, зиёли оилда дунёга келди. Унинг болалиги қишлоқ болалари каби таассуротларга бой ўтган. Ёш Шавкатбой бошланғич синфда ўқиб юрган кезларидаёқ мактаб қошида ташкил этилган рус тили ва адабиёти фани тўғрисида фаол қатнашиб, рус ёзувчи ва шоирлари асарларини мутолаа қила бошлади. Бунинг натижасида рус тилини пухта ўрганиб, ҳар бир сўзни тўғри, аниқ талаффуз қилишга эришди. Мактабни битиргач, орзу ва қизиқишлари уни Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факультетига етаклади.

Университетни тугатгач, илк меҳнат фаолиятини тумандаги 31-умумтаълим мактабидан рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси вазифасидан бошлади. Ёш ўқитувчи болаларни дарсга қизиқтириш учун кўргазмали қуроллар ясаб, улардан мазгун оид қўшимча материал сифатида фойдаланди, ҳар бир ўқувчининг диққатини ўтилаётган мазгунга жалб этишга ҳаракат қилди. Натижада, ўқувчиларда билим олишга иштиёқ кучайди. Шу боис устознинг бир соатлик дарс ишланмаси туман мактаблари орасида оммалашди. У ўқувчиларга нафақат рус тилини, балки фалсафа, ҳуқуқ, маънавий тарихга оид китобларни ўқишни маслаҳат берди. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчилари туман, вилоят кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Кўп ўтмай Ш.Пўлатов мактабда маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб, бу вазифада устоз ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эътибор қаратди.

1993-2001 йилларда тумандаги 48-умумтаълим мактабидан директор вазифасида иш бошлади. Ёш педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш аниқсанини жорий этди. Мактаб ўқувчиларининг дарсдан кейинги бўш вақтини намунали ташкил этиш мақсадида ўзбек қўл жанги санъати, бокс, муай-тай спорт тўғрисидаги турнирларни очди.

Ш.Пўлатов 2001-2007 йилларда 33-умумтаълим мактабидан директорлик вазифасида фаолият юритди. Бу масканда ҳам устоз замон, мактаб, эртанги кун ташвиши



билан нафас олди.

Мактабни давлат дастурига киритиб, тўлиқ капитал реконструкция қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Натижада, эски бино ўрнида замонавий мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Сўнгра у вилоят халқ таълими бошқармасида таълим муассасалари мутахассиси лавозимида ишлади. Вилоят умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини яхшилашга, таълим тизимида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга, бошқарув тизимидаги муаммоларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшгани учун «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бугун устоз Дилором ая билан беш нафар фарзанд, 12 нафар набиранинг қамоллини кўриб, бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Маҳалладаги тўй-марокаларда доим фаол бўлиб, ободонлаштириш ва ҳашар ишларида ёрдам бериб келади. Тиниб-тинчимас устоз ўтган йили маҳалла қошида велоспорт тўғрисида ташкил этди. Бугун ушбу тўғрага ёшлар билан бирга 70 ёшдан ошган кексалар ҳам қатнамоқда.

Бугун ўзининг 60 ёшини қаршилаётган устозни дўстлари ва шогирдлари номидан табриқлаймиз.

Юлдуз АМИРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикулова нотариал идорасида марҳум Юлдашева Хадичага (2019 йил 17 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикулова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракулова нотариал идорасида марҳум Набиева Шарофатга (2014 йил 17 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракулова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Расулов Абдуҷоббор Эрқобоевичга (2020 йил 10 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Хакимов Анаврга (2015 йил 4 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Қазимов Мухторга (1989 йил 18 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева

Наргиза Қажрамонова нотариал идорасида марҳум Саидмуродов Абдулло Сирожевичга (2020 йил 20 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қажрамонова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навоий шоҳқўчаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сотувчи Урунов Бахриддин Баходирович ва сотиб олувчи Нодиров Умед Файзуллаевичлар ўртасида Самарқанд тумани Хўжа Аҳрори Вали маҳалласида қилинган савдо дўқони биносининг 50 фойласи учун «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилоят филиалида 2013 йил 7 ноябрда ўтказилган тўғридан тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилган савдолар натижасида тузилган 445-сонли кўчас мулкнинг олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидидаги нуқсаси ҳамда ушбу объект учун Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан 2013 йил 19 декабрда берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Собиқ Сиёб туманидаги 3-сон катталар таълим марказидан 1995 йилда Қодирбердиев Акобир Холиқбердиевич номига берилган АО № 232147 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Джураева Хаётхон Низамовна номига берилган У № 0516204 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқў туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Норкулова (ҳозирда Раҳимова) Зилола Равшановна номига берилган О'Р-5Н № 0822898 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод кўчасидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Исмоилов Элдор Бегматович номига берилган О'Р-А № 1078616 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Исмоилов Элдор Бегматович номига берилган О'Р-А № 1078616 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси генетика ва биотехнология кафедраси профессори Зафар Исмоиловга онаси **Фира ИСМОИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Паст Дарғом автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежидан 2020 йилда Мансуров Сардорхон Мамурхон ўғли номига берилган К № 5884172 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 13-ўрта мактабдан 1994 йилда Нормирзоева Бахора Илхомжоновна номига берилган А № 644413 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2020 йилда Ибрагимов Садокат Хурсанбоевна номига берилган рўйхат рақами 405, К № 5599511 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Хасанов Озод Абдуҳакимович номига берилган О'Р-А № 1464053 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Хакимов Мухсин Узоевичга қарашли Самарқанд шаҳри Кафтархона маҳалласи Уйчи кўчаси 15-ўй жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом тумани Чандир иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежидан 2018 йилда Мухторов Хусан Учқун ўғли номига берилган рўйхат рақами 741, К № 5140341 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод кўчасидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Ражабов Шохзод Шайхиддин ўғли номига берилган К № 0231129 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Исмоилов Элдор Бегматович номига берилган О'Р-А № 1078616 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси генетика ва биотехнология кафедраси профессори Зафар Исмоиловга онаси **Фира ИСМОИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Бутун фаолиятини илм-фан ривожига бағишлаган атоқли олим Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедраси профессори, ветеринария фанлари доктори Бўри Салимов 86 ёшда вафот этди.

Б.Салимов 1935 йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. Ўрта мактабни битириб, 1954 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини (ҳозирги Самарқанд ветеринария медицинаси институтини) ветеринария факультетига ўқишга кирди. 1959 йилда институтни муваффақиятли битириб, иш фаолиятини Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш лабораториясида кичик илмий ходим сифатида бошлади. 1962 йилда мазкур илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасига

қабул қилинди. Профессор Н.В.Баданин илмий-раҳбарлигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1974 йилда Москва ветеринария ва биотехнология академияси илмий кенгашида докторликни ёқлади.

Б.Салимов 1965-1979 йилларда Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг паразитология лабораторияси мудири, 1982-1998 йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Зоология ва табиотини муҳофазат қилиш» кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 1999 йилдан умрининг охиригача институтнинг паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келаётгани.

2004-2012 йилларда ве-

Бўри САЛИМОВ

кабул қилинди. Профессор Н.В.Баданин илмий-раҳбарлигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1974 йилда Москва ветеринария ва биотехнология академияси илмий кенгашида докторликни ёқлади.

Б.Салимов 1965-1979 йилларда Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг паразитология лабораторияси мудири, 1982-1998 йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Зоология ва табиотини муҳофазат қилиш» кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 1999 йилдан умрининг охиригача институтнинг паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келаётгани.

2004-2012 йилларда ве-

теринария фанлари бўйича илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси сифатида кўплаб фан номзодлари ва докторларининг етишиб чиқишида яқиндан ёрдам берди.

Профессор Б.Салимов етук олим сифатида гелиминтология соҳасида катта илмий мактаб яратди. Олим раҳбарлигида 4 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзодлари, 30 га яқин магистрлар тайёрланган. У киши 400 дан ортқ илмий мақолалар, 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, 4 та монография, 10 дан ортқ тавсиянома ва муаллифлик гувоҳномалари муаллифидир.

Устоз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Энг яхши педагог тадқиқотчи» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветери-



нария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг «Олтин тулпор» танлови билан бўлган.

Забардаст олим, фан фидойиси, профессор Бўри Салимовнинг порлоқ хотираси фарзандлари, касбдош дўстлари ва шогирдлари қалбида ҳамisha сақланиб қолади.

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ.

Ўктам ҲАЙДАРОВ

Бутун умрини Самарқанд транспорт соҳаси ривожига бағишлаган мутахассис, ташкилотчи раҳбар Ўктам Ҳайдаров 63 ёшида вафот этди.

Ў.Ҳайдаров 1958 йил 9 декабрда Самарқанд шаҳрининг Панжоб маҳалласида туғилди. 1966 йилда маҳалладаги 7-ўрта таълим мактабининг биринчи синфига қадам қўйди. Мактабни тугатгач, илк иш фаолиятини шаҳардаги 15-автобус паркида ҳайдовчиликдан бошлади.

Ёшлигидан техникага қизиққан Ўктам ака севган соҳасини мукамал эгаллашга қарор қилиб, 1979 йилдан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжа-



лигини механизациялаш муҳандислари институтини тахсил олди. Мазкур олийгоҳни тугаллаган ёш мутахассис Самарқанд шаҳридаги «22-автобус саройи»да фаолиятини давом эттирди. Дастлаб механик, колонна бошлиғи, бош муҳандис каби лавозимларда ишлади. Унинг касбига бўлган қизиқиши, ишга бўлган масъулияти ва меҳнатсеварлиги хизмат пиллапоясидан поғонама-поғона кўтариллишига сабаб бўлди.

Ўктам Шарипович меҳнат фаолияти давомида вилоят «Автойўловчитранс» бошқармасида бош муҳандис, 1993 йилда 146-автосаройда, кейинчалик 22- ва 14-автосаройларда директорлик

қўтариллишига сабаб бўлди. Ўктам Шарипович меҳнат фаолияти давомида вилоят «Автойўловчитранс» бошқармасида бош муҳандис, 1993 йилда 146-автосаройда, кейинчалик 22- ва 14-автосаройларда директорлик

қўтариллишига сабаб бўлди. Ўктам Шарипович меҳнат фаолияти давомида вилоят «Автойўловчитранс» бошқармасида бош муҳандис, 1993 йилда 146-автосаройда, кейинчалик 22- ва 14-автосаройларда директорлик

қилди. 1999 йилга келиб фаолиятини Самарқанд шаҳар 25/14-автоқарвонидан директорнинг биринчи ўринбосари сифатида давом эттирди. Бу даврларда ўзини ташкилотчи ва масъулиятли раҳбар сифатида намоён қилди.

Унинг бу фазилатлари кейинчалик Каттакўрғон шаҳридаги 25/18-автоқарвон бошлиғи лавозимида меҳнат қилганда ҳам асқотди. Одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишга интилди. Юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш, транспорт соҳасини ривожлантириш мақсадида «Сухробтранс», «Хуршедтранс» каби хусусий йўловчи ташкилотчи транспорт корхоналарини ташкил этди.

Устоз турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандни тарбиялади. Бугун Ўктам аканинг хонадонидан фарзандлари қатори 8 набираси ҳам унинг қўлида.

Ўктам Ҳайдаров олижаноб, меҳнатсевар, очикқўнгил инсон сифатида ҳамisha яқинлари хотирасида яшайди.

БИР ГУРУХ ДЎСТЛАРИ ВА ЯҚИНЛАРИ.

